

« 7 » сентябр 2022 йил

«OMAD MO'JIZA» МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари М.Мардиев ва Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари М.Абдусатторова мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Иш ва хизматни бажарувчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Иш ва хизматларни бажарувчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни олади:

Арнасой туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Янгибустон МФЙдаги КВП биносини жорий таъмирлаш

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил 09 Сентябрга қадар иш ва хизматни бажарувчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Иш ва хизматларни бажарувчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 3 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % миқдоридан бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар томонидан тасдиқланиб Ҳазначилик органларидан руйхатдан ўтган вақтдан бошлаб юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 498 500 000 (Тўрт юз тўқсон саккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

5.5 Буюртмачи билан пудратчи уртасидаги ташкилий ишлар харажати путратчи томонидан коплаб борилади

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах туманлараро иктисодиёт судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолангандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

9.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга

(шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

9.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур олади шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3. Шартномага илова _____

11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

«OMAD MO'JIZA»МЧЖ

Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмаси

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

(буюртмачининг номи)

Манзил: Жиззах ш. Дусллик МФЙ Навбахор №20

Манзил: Арнасой тумани Янгибустон МФЙ

Тел./факс +99897 329 79 99

Тел./факс 72-372-11-23

(х/в ёки ш/х) 20208000400999188001

ш/х 100022860082017073101054001

Банк номи: Тошкент ш. Туронбанк АТ

Банк: Тошкент ш. Марказий банк ХККМ

Банкининг бош офиси

Ташкилотнинг СТИР 200331571

ИНН: 306096612

ОКОНХ: 91511 ИНН: 201122919

МФО: 00446

МФО: 00014

ОКОНХ: _____

Арнасой туман Газначилик булинмаси
х/р: 23402000300100001010

Раҳбар



М. Мардиев

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Раҳбар

(имзо)

Абдусатторова.М

(Ф.И.Ш)

М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

GK03341118

1. Loyihaning turi – shartnoma.
2. Loyihaning nomi – 498 500 000 so‘mlik pudrat shartnomasi.

Shartnoma tomonlari:

Pudratchi - "Jizzax xududiy elektr tarmoklari korxonasi" AJning Nizom asosida faoliyat kursatuvchi Bosh direktori Ibragimov B.X.

Buyurtmachi - Arnasoy tuman tibbiyot birlashmasi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbari Abdusattarova Muxabbat.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – “Arnasoy tumani tibbiyot birlashmasi” 2022 yil 12 sentyabr.

4.Loyiha bo‘yicha taklif va e’tirozlar:

Loyixa amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Arnasoy tuman yuridik
xizmat ko‘rsatish markazi
12.09.2022 yil**





“Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙдаги КВП” учун бюджет маблағлари хисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг
МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 19

2022 йил “ 7 ” сентябр

Арнасой туман

“Арнасой туман Тиббиёт бирлашмаси” рахбари Абдусаттарова.М
(Бюджет ташкилоти номи, рахбари, рахбар И.Ф.О.)

2022 йил “14” мартдаги № 9-сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар:

Абдусаттарова Муҳаббат- “Арнасой туман Тиббиёт бирлашмаси”- баҳолаш танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

SAPAROV SHAXRUX
QAYUMOV SAFARBOY XOLIQULOVICH
ABDALIMOVA NASIBALI XALILOVNA
MANMUDOV BENZOD VAHTIYAR O'G'LI
YUSUPOV MUZAFFAR JUMABOYEVICH

Иқтисодчи - комиссия аъзоси
Хужалик мудир - комиссия аъзоси
Бош врач уринбосари - комиссия аъзоси
Моддий хисобчи - комиссия аъзоси
Ишчи - комиссия аъзоси

Қун тартиби:

“Жиззах вилояти « 7 » сентябр 2022 йил

“Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙдаги КВП “маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборот порталига 30.08.2022 йилда № 142161. сонли “Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙдаги КВП” биносининг жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

“Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙдаги КВП” учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (микдори)	OMAD MO'JIZA MCHJ		YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	
				Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	“Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙдаги КВП” биносини жорий таъмирлаш	Хизмат	1	498 500 000	93.7	498 785 000	59.49
	Жами	x	x	498 500 000		498 785 000	

Талабгорлар томонидан 30.08.2022 йилда № 142161. сонли “Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙдаги КВП” биносини жорий таъмирлаш бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан 03.09.2022 йил соат 11-00 га қадар ҳеч қандай ёзма ёки оғзаки эътироз ёки мунозаралар келиб тушмади.

Комиссия “Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙ даги КВП” ни жорий таъмирлаш ишлари бўйича жорий таъмирлаш ишлари учун ўтказилган электрон танлов бўйича

Қарор қилади:

“Жиззах вилояти Арнасой тумани Тиббиёт бирлашмасига карашли Янгибустон МФЙдаги КВП” биносининг жорий таъмирлаш ишлари бўйича жорий таъмирлаш ишлари учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 93.7 балл билан ғолиб бўлган “OMAD MO'JIZA” МЧЖ билан шартнома имзоланиб. Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилсин.

SAPAROV. SH
(И.Ф.О.)
QAYUMOV. S
(И.Ф.О.)
ABDALIMOVA. N
(И.Ф.О.)
MANMUDOV. B
(И.Ф.О.)
YUSUPOV. M
(И.Ф.О.)

(Имзо)

(Имзо)

(Имзо)

(Имзо)

(Имзо)



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OMAD-MO'JIZA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OMAD-MO'JIZA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

05.02.2019

681404

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306096612

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DO'STLIK MFY NAVBAXOR KO'CHASI, 20.

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



MA'LUMOTLAR / OBSERVATIONS

Jizzak viloyati qon quyish markazi
 AB (IV) Rh + musbat
 Sana 21.04 2014

YASHASH JOYI / ADDRESS

Jizzak viloyati
 Jizzak shahar IIB
 Yashash joyi qon quyish markazi
 ko'chasi 18-sonda 8-15
 uy 22



[Handwritten signature]

6

7

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 142161 на приобретение ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ЗДАНИЯ СВП ПРИНАДЛЕЖАЩЕМУ АРНАСАЙСКОМУ РАЙОННОМУ МЕДИЦИНСКОМУ ОБЪЕДИНЕНИЮ В МСГ ЯНГИ БУСТОН АРНАСАЙСКОГО РАЙОНА ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ

Способ проведения электронный

Дата 30.08.2022

Время рассмотрения 30.08.2022 18:10

Конкурсная комиссия Жиззах вилоят Арнасой туман Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ABDUSATTAROVA MUXABBAT ATABEKOVNA	Бош врач	Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси
Секретарь комиссии	SAPAROV SHAXRUX	Iqtisodchi	Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	QAYUMOV SAFARBOY XOLIQULOVICH	Хужалик мудир	Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	ABDALIMOVA NASIBALI XALILOVNA	Бош врач уринбосари	Арнасой туман Тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	MAHMUDOV BEHZOD BAXTIYAR O'G'LI	Моддий хисобчи	Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	YUSUPOV MUZAFFAR JUMABOYEVICH	Ishchi	Uzmobile

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.08.2022 года № лота 142161.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ЗДАНИЯ СВП ПРИНАДЛЕЖАЩЕМУ АРНАСАЙСКОМУ РАЙОННОМУ МЕДИЦИНСКОМУ ОБЪЕДИНЕНИЮ В МСГ ЯНГИ БУСТОН АРНАСАЙСКОГО РАЙОНА ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	499 787 919.00
Стартовая сумма	499 787 919.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: QR кодли маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OMAD-MO'JIZA	20	QR кодди маълумотнома	20	Экспертная		
YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	20	498785000	10	Экспертная		

Критерий №2 Ишчи ва хизматчиларнинг иш малакаси ва иш стажи сони хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: my.mehnat.uz сайтидан маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OMAD-MO'JIZA	20	my.mehnat.uz сайтидан маълумотнома	18	Экспертная		
YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	20	498785000	15	Экспертная		

Критерий №3 курилиш пудрат рейтингда мавжудлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OMAD-MO'JIZA	20	маълумот	20	Экспертная		
YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	20	498785000	10	Экспертная		

Критерий №4 Моддий техник базаси ва техника механизлар мавжудлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: тех паспорт кадастр нусха ва ижара шартномалар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OMAD-MO'JIZA	20	тех паспорт кадастр нусха ва ижара шартномалар	15	Экспертная		
YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	20	498785000	10	Экспертная		

Критерий №5 курилиш пудрат корхоналари иш малакаси ва охирги бажарган ишлари тугрисида далолатномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома ва далолатнома нухаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OMAD-MO'JIZA	20	Гувохнома ва далолатнома нухаси	20	Экспертная		
YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	20	498785000	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО OMAD-MO'JIZA	499 787 919.00	498 500 000.00 UZS	498 500 000.00	00.00	498 500 000.00	27.08.2022 17:42:27	10
YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	499 787 919.00	498 785 000.00 UZS	498 785 000.00	00.00	498 785 000.00	29.08.2022 23:43:13	9.99

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО OMAD-MO'JIZA	83.7	10	93.7
YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich	49.5	9.99	59.49

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 142161 от 30.08.2022 года на приобретение ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ЗДАНИЯ СВП ПРИНАДЛЕЖАЩЕМУ АРНАСАЙСКОМУ РАЙОННОМУ МЕДИЦИНСКОМУ ОБЪЕДИНЕНИЮ В МСГ ЯНГИ БУСТОН АРНАСАЙСКОГО РАЙОНА ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ определила победителем:

ООО OMAD-MO'JIZA
306096612

и резервный исполнитель: YTT Ubaydullaev Ulugbek Ubaydullaevich (500874196)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDUSATTAROVA MUXABBAT ATABEKOVNA	Согласен	
Член комиссии	QAYUMOV SAFARBOY XOLIQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDALIMOVA NASIBALI XALILOVNA	Согласен	
Член комиссии	MAHMUDOV BEHZOD BAXTIYAR O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП